20 ОКТ 1991

Ўзбекистон овози

Кундалик ижтимоий-сиёсий рўзнома

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 203 (21. 070) 1991 йил 18 октябрь, жума • Йилига 256 марта чиқади. • Баҳоси 8 тийин.

ҒАЙРАТГА - ҒАЙРАТ ҚЎШАЙЛИК!

„ОҚ ОЛТИН" хирмонига

Республикамиз вилоятларида пахта тайёрлашнинг борши тўғрисида шу йил 17 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён, тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта, бешинчи устун — мавсум бошидан буён:

БУХОРО	1,23	102,66	0,99	79,63
Фарғона	1,37	98,52	1,01	90,86
Қашқадарё	1,94	94,68	1,99	103,51
Сирдарё	1,68	90,11	1,69	101,73
Жиззах	1,91	89,91	2,23	110,28
Сурхондарё	2,33	86,52	2,30	95,31
Наманган	2,65	85,06	2,37	94,09
Андижон	2,21	83,36	2,41	90,90
Тошкент	2,33	80,87	2,49	89,78
Самарқанд	2,51	75,64	2,91	81,78
Хоразм	1,37	64,50	1,11	36,95
Қорақалпоғистон республикаси	1,58	61,98	1,43	61,21
Республика бўйича	1,91	85,67	1,95	89,11
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё			2,49	86,13
Қашқадарё			2,74	84,07
Бухоро			3,49	75,51
Наманган			2,81	69,10
Андижон			0,83	28,89
Республика бўйича			2,58	84,44

ИККИ РАЙОН ЗАФАРИ

ҚАРШИ РАЙОНИ деҳқонлари давлатга пахта сотиш йиллик режасини ошириб адо этдилар. Қабул пунктларига 44 минг тонна ўрнига 45 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Қўлга киритилган муваффақиятга Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Карл Маркс номли, «Ленин йўли», «Ленинизм» давлат хўжаликлари, «Коммунизм» жамоа хўжалиги пахтакорлари катта ҳисса қўшдилар.

●

ҒУЗОР РАЙОНИ заршуносларн ҳам дастлабки маррани эгаллашди. Қабул пунктларига 30 минг тоннадан зиёд юқори сифатли пахта топширилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● **Хоразмда кўклам ноқулай келганлиги туфайли анчагина майдонлардаги ғўзаларни бузиб, қайтадан чигит экишга тўғри келганди. Шу боис пахта ҳам кечки бўлиб қолди. Бироқ шунга қарамай, илғор хўжаликлар йиллик режаларни бажарганлари ҳақида хабарлар келиб турибди. Бошқалар эса суръатни бўшаштиришмаяпти.**

Боғот районидаги «Коммуна» жамоа хўжалиги аъзолари бу йил 670 гектар майдонга чигит экиб, 1825 тонна ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Айни пайтда ҳосилнинг ярмидан кўпроғини машиналар ёрдамида териб олиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Суратда: хўжалик раисининг ўринбосари Ҳакимбой Нурметов, пудратчи Қурбонбека Бобожонова, бригада бошлиғи Ғариббой Худойшукуров, хўжалик раиси Бахтиёр Раҳимов, бош муҳандис Мавлонберди Эшжоновлар машинада терилган пахта сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

РЕЖАДАН ОРТИҒИ ДОЛЛАРГА СОТИЛАДИ

Сирдарё вилояти хўжаликларида пахта йиғим-терими давом этмоқда. Қўриқ воҳада бу йил баракали пахта ҳосили етиштирилди. Уни нобуд қилмай йиғиб-териб олиш деҳқонларнинг асосий мақсадига айланган. Бунинг бош сабабларидан бири — ҳосил эгаларининг кўп йиллик орзуларидан бирининг амалга ошаётгани бўлди.

Ўтган йили вилоят тарихида биринчи бор етиштирилган ҳосил четдан ёрдамчи олмасдан йиғиб-териб олинган эди. Шу билан бирга баъзи хўжаликларда иккинчи ва учинчи машина теримидан сўнг чаноқларда қолган ҳамда ерга тўкилган пахта йиғиштириб олинмади. Чунки, унинг уловидан тушови қимматга тушиб кетар, бошқача айтганда, пахта тайёрлаш пунктлари бундай ҳосил учун арзимас ҳақ тўлар, хўжаликлар эса уни йиғиб-териб олишдан фақат зарар кўрар эди.

Бу йилдан бошлаб ҳосилнинг ана шу қисмига бўлган муносабат ҳам жиддий равишда ўзгарди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг октябрь ойида қабул қилган қарорида жамоа ва давлат хўжаликларига 1991 йилга ва ундан кейинги йилларга белгиланган топшириқдан 5 фоизини ва белгиланган ҳажмдан ортиқ олинган пахта толаси ва пиллани ўз ихтиёри билан эркин сотиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Вилоят деҳқончилик саноати уюшмаси иқтисодчилари қарор муносабати билан тезда керакли ҳисоб-китобларни қилиб чиқдилар. Натижада қуйидаги манзара аён бўлмоқда. Вилоят бўйича 122 минг 300 гектар ердаги ҳосил машинабоп қилиб ўстирилган. Ана шу майдонда техника ёрдамида энг сўнгги чаноқлар йиғиштириб олиниб, гектар бошига қўшимча 1,2 центнердан ҳосил тўпланган тақдирда ҳам у 14 минг 676 тоннага етар экан.

Бу ҳосилни йиғиштириб олиш учун ҳар килограммига 75 тийиндан ёки бир сўмдан тўланган тақдирда ҳам ўрта ҳисобда 14 миллион 676 минг сўм харажат қилинади. Ана шу хом ашёнинг ҳар тоннасидан камида 25 фоиздан 5—6-нав толаси олинади ва ўрта ҳисобда уч минг 648 тоннани ташкил этади.

Вилоятда бу йил «Сирдарёагроинторг» уюшмаси ташкил этилди. Бу ташкилот ўзининг чет эллардаги ишбилармонлар, ҳамкорлар билан мустаҳкам иқтисодий алоқалар ўрнатмоқда. Вилоят деҳқонлари уюшма орқали ўзларининг режадан ортиқ ҳамда илгари йиғиштириб олмасдан шудгор қилиб юборадиган хом ашёларини йиғиб-териб олиб, эркин нархда чет эллардаги харидорларга сотиш юзасидан пухта тадбир ишлаб чиқдилар. Шунда вилоят бўйича энг паст навли пахта толасидан камида шу йилнинг ўзидаёқ икки миллион 763 минг доллар ёки 110 миллион сўм даромадга эга бўлиш аниқланди.

Ҳозирги кунларда «Сирдарёагроинторг» ходимлари чет эллардаги иттифоқчилари билан тегишли ҳужжатларни тайёрлаш юзасидан тижорат ишларини амалга оширмоқдалар.

Бу йилги дастлабки синовлардан муваффақиятли ўтиб олинса, келажакда бу ҳаракатлар янада катта самаралар бериши мумкин.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Давлат божи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судлари ҳақида Қонун қабул қилингунга қадар қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси ҳакамлик судларида кўриб чиқиладиган ишлар бўйича Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадига тўланади ёки ундириб олинади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ҳакамлик суди ушбу Фармонни мустақил республикалар (давлатлар)нинг тегишли ҳакамлик органларига маълум қилсин.

3. Ушбу Фармон 1991 йил 1 ноябрдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 16 октябрь.

МЕҲНАТ ВАЗИРЛИГИДА КЕНГАШ

17 октябрь куни Тошкентда меҳнат идоралари тизимини вужудга келтиришга бағишланган республика кенгаши очилди. Унда вилоят, район ва шаҳар меҳнат идораларининг раҳбарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт комитети, Давлат ҳисоб комитети, бошқа вазирликлари ва идораларининг мутахассислари қатнашмоқдалар. Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси меҳнат вазири А. Р. Отажоновнинг маърузасида ва кенгаш қатнашчиларининг нутқларида таъкидланишича, мавжуд меҳнат идоралари тизими тубдан ўзгартирилиши керак. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида, меҳнатқашларни давлат идоралари томонидан ишга жойлаштириш ва ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш муаммолари ўткир бўлиб турган бир пайтда меҳнат идораларининг вазифалари мутлақо ўзгармоқда. Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни таъминлайдиган ва ишга жойлаштирадиган тизимни вужудга келтириш лозим.

Кенгашда таъкидланганидек, Швеция, Саудия Арабистони, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларнинг етакчи фирмалари билан иш кучини экспорт қилиш масалалари юзасидан музокаралар бошланди.

Кенгашда меҳнат идораларининг янги тузилмаси муҳокама қилинди, энди бу идоралар халқ хўжалигининг барча тармоқларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш билан, меҳнатга ҳақ тўлаш, уни ташкил этиш, меҳнат усўллари ва уни ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган бўлади. Меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя этилишини давлат номидан қаттиқ назорат қилиш ҳам шу идораларнинг вазифалари жумласига киради.

(ЎзТАГ).

ОЛТОЙЛИК МЕҲМОН ТОШКЕНТДА

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар Олтой ўлкаси ва Тошкент вилояти меҳнатчилари ўртасидаги анъанавий дўстона муносабатларга таъсир қилмаяпти. Олтой ўлка ижроия комитети раисининг ўринбосари В. В. Конавалов бошчилигидаги ўлка делегацияси ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш, бевосита амалий алоқалар ўрнатиш учун Тошкентга келди.

Делегациянинг бу ерда бўлиш режасида Тошкент вилояти билан шартнома тузиш, хўжаликларга сафар қилиш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

ТЕЛЕГРАММА

Тошкент. «Ўзбекистон овози» муҳарририятига

Автоколонна жамоаси матбуот нашрларини мунтазам ўқиб борадилар. Шофёрларимиздан 30 киши «Ўзбекистон овози»га обуна бўлди. Бундан ташқари маъмурият ҳам ишлаб чиқариш илғорларидан 50 кишини ана шу рўзномага бепул обуна қилди. Энди навбат сизларга. Рўзнома саҳифаларида қизиқарли, мазмунли мақолалар кутамиз.

Раббим НОРМУҲАММЕДОВ,
Самарқанддаги 2522-автоколонна шофери.

Эшитмадим, деманглар

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШОЛИ ТАЙЁРЛАШ РЕЖАСИНИ БАЖАРДИ

Иқтисодий танглик шароитида бундай тансиқ дон тайёрлаш режаси муддатидан илгари бажарилди. Давлат қабул пунктларига 210 минг тонна шоли етказиб берилди.

Бундай муваффақиятни таъминлаган қатор омиллар ҳам бор албатта. Тиғиз паллаларда сув анча кўп бўлди. «Нукус-2», «Қорақалпоғистон», «Толмас» навли уруғлар Қорақалпоғистон табиий шароитига мос бўлиб тушди. Шунингдек ўришянчиш ишлари мавсум бошиданоқ батартиб ташкил этилди.

Қўнғирот райони 45 минг тонна ҳосил етказиб берди. Ленинобод райони 41,5 минг тонна, Тахтакўпир райони 37 минг тоннадан зиёд, Қораўзак ва Чимбой районлари 34—31 минг тоннадан шоли тайёрлаган бўлса, Нукус райони миришкорлари давлат қабул пунктларига 19639 тонна ҳосил етказиб бердилар.

«Хоразм» давлат хўжалиги шоликорлари бу йил ҳам карвонбоши бўлдилар. Хўжалик республикада биринчи бўлиб режани адо этди. Топширилган жами ҳосил 9 минг тоннадан ошиб кетди. «Майёб» давлат хўжалиги маррага 11 минг тонна шоли билан иккинчи бўлиб етиб келди. П. Сеитов номли, Чапаев номли, «Равшан», «Партия XXII съезди» шоличилик хўжаликлари ҳар гектар ердан 42—45 центнердан ҳосил йиғиб олишга муваффақ бўлдилар.

Мавсум тажрибали шоликорлар номини элга танитди. 45—60 центнердан ҳосил олган бригада ва звенолар сони 20 нафардан ортиб кетди. Уста шоликорлардан Ислом Кўмакбоев, Ильёс Тасимбеков, Пардабой Наврўзбоев каби юқори ҳосилли бригадалар тажрибаси кўпларга ибрат бўлди. Шоли ўриш, янчишда жаткачилардан Аҳмад Ганжабоев, Озод Киличев, Амет Гулбоев, Жали Турғуновлар бир ярим — икки нормадан иш бажардилар. Комбайнчилардан Эсбўсин Айтниёзов, Урозбой Бекимбетов, Сарсенбой Алиев мавсум қаҳрамонлари бўлиб танилдилар. Шоли ташишда Ўзбекистондаги қатор вилоятларнинг транспорт ташкилотлари жамоалари яқиндан амалий ёрдам кўрсатдилар. Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Жиззах вилоятларидан юк машиналари — трактор-тележкалар карвонларининг мадади катта бўлди.

Давлатга шоли топшириш давом этмоқда.

Ж. ХОЛҚОСИМОВ,
Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбирлари.

МАМЛАКАТИМИЗДА

СЕССИЯ АРАФАСИДА

● **Янги таркибдаги СССР Олий Кенгашининг сессиясини тайёрловчи республикаларо комитети аъзолари Кремлда журналистлар билан учрашдилар.**

Учрашувда қатнашган комитет аъзолари бир қанча республикаларнинг фикрлари унчалик аниқ эмаслигига қарамай, янги парламентнинг сессиясини очиш учун тайёрлигини айтишди.

Иттифоқ шартномаси ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома масаласи сессия кун тартибидаги асосий масалалар бўлади.

СССР Олий Кенгаши сессиясининг биринчи мажлиси 21 октябрь куни Кремлда очилади. Мажлис СССР Олий Кенгаши палаталарининг мажлислар залида бўлади. У республикалар кенгаши ва Иттифоқ кенгашининг биргаликдаги мажлисида очилади.

ТУҚҚИЗ ОЙ ТАҲЛИЛИ

● **СССР Давлат ҳисоб комитетида журналистлар билан суҳбат бўлди. Шу йилнинг тўққиз ойида халқ хўжалигининг иши таҳлил этилди.**

Мамлакатнинг иқтисодий аҳволи қониқарли даражада эмас. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кўрсаткичлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан камайган. 30 сентябрга қадар мамлакатда 91,6 миллион гектар ердаги дон ва дуккакли дон экинлари (галлазорларнинг 92 фоизидаги ҳосил) ўриб олинди. Ҳаммаси бўлиб 146,6 миллион тонна дон янчиб олинган.

РУЙХАТДАН ЎТИЛДИ

● **Совет хотин-қизлар комитети ўзининг чорак асрлик юбилейини нишонламоқда.**

Шу қувончли кезларда СССР Адлия вазирлиги Совет хотин-қизлар комитетини қонунлаштирди. Вазирликда мана шу халқаро ноҳукумат жамоат ташкилотининг раиси А. Федуловага рўйхатдан ўтказилганлик ҳақидаги гувоҳнома топширилди.

ХОРИЖДА

СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚАРЗ

● **Канада томони Совет Иттифоқига 150 миллион доллар миқдорида қарз беради. Шу ҳақда Оттава шаҳрида битим имзоланди.**

Битим ҳукумат номидан иш кўрувчи Канада экспорт тараққиёти корпорацияси билан СССР Ташқи иқтисодий банки томонидан имзоланганлиги маълум қилинди.

ИРОҚ НОРОЗИЛИГИ

● **Ироқ ташқи ишлар вазири Худайр БМТ Бош котиби номига мактуб йўллади. Унда агар Исроил самолётлари Ироқнинг осмон бўшлиғига бостириб киргудек бўлса, Ироқ уларни уриб тушираверади, дейилади.**

Бундан аввал Исроилнинг тўртта «Ф-15» қирувчи самолёти мамлакатнинг осмон чегарасини бузиб ўтганлиги хусусида Ироқ БМТга норозилик юборган эди.

АҚШ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ СЎЗИ

● **Ж. Буш журналистлар билан суҳбатлашди.**

Президент Қўшма Штатларнинг Яқин Шарқдаги аҳволни бартараф этишга бағишланган конференция чақирилишига кўмаклашиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилишга бел боғлаганини таъкидлади.

Яқин вақт ичида СССР Президенти М. С. Горбачев билан учрашув ўтказиш имконияти борми, деган савол ҳам берилди. Ж. Буш унга жавобан «ҳозирча ҳеч қандай учрашув режалаштирилган эмас», деди. (ТАСС материаллари асосида).

Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари—умумхалқ муҳокамасида

ЭЪТИҚОД БИТТА БЎЛАДИ

«Инсон ҳамиша эътиқод билан яшайди. Биз партияга эътиқод қўйган эдик. Унга виждондек, имондек ишонгандик. Партия топшириқларини муқаддас деб англагандик. Замона зайли билан партия фаолияти тўхтатилиб, янги Халқ-Демократик партияси вужудга келяпти. Лекин бизнинг эътиқодимиз ўзгармайди. Чунки, эътиқод битта бўлади. Унга хиёнат қилмаймиз, партия ишига содиқлигимизча қоламиз. Ўзбекистон Компартияси вориси бўладиган Халқ-Демократик партиясига аъзоликка қабул қилишингизни сўрайман».

Андижон вилояти маҳаллий саноат бошқармасига қарашли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётган 55 нафар собиқ партия аъзосидан 30 нафари шу мазмунда ариза ёзди. Бу аризалар Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси Дастури ва Низоми лойиҳаларини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишда кўриб чиқилди. Улар янги Халқ-Демократик партияси аъзолигига қабул қилинди ва қайта рўйхатдан ўтказилди. Янги партияга аъзо бўлганлар орасида тикув цехининг бошлиғи Фильвира Салоҳиддинова, оддий тикувчилардан Рўзихон Аҳмедова, Инобатхон Режабова, Нурхон Каримохунова, Мавлуда Иброҳимова ва бошқалар бор.

Бирлашма жамоасидан тағин уч киши: бухгалтер Арслонбек Зайнобиддинов, омбор мудири Умиджон Саидов, бирлашманинг Шаҳрихондаги филиали бошлиғи Бахтиёр Ниёзмуродов янги партияга ўтиш истагини билдириб ариза бердилар. Улар ҳам Халқ-Демократик партиясига қабул қилиндилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг Дастури ва Низоми лойиҳалари кенг муҳокама этилди.

— Ўзбекистон мустақил бўлгач, қалбимнинг тўрида турган энг нозик ва муқаддас туйғуларим жўш урди, — деди бирлашманинг бош директори Шуҳратбек Зайнобиддинов, — мустақиллик ўзлигини англашдир. Мустақил давлатнинг мустақил партияси ҳам бўлиши керак. Дастур ва Низом лойиҳаларида ана шу ғояни кўрдим.

Йиғилишда бўлажак партиянинг Дастури ва Низоми лойиҳалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалар ҳам айтилди. Партия Низоми лойиҳасида «Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг аъзолари ҳар ойда партияга аъзолик бадалларини умумий даромадларининг камида 1 фоизи миқдорида тўлайдилар», деб ёзилган. **Бу жумлага аниқлик киритилиши, яъни «камида» сўзи олиб қўйилиши, партияга аъзолик бадаллари тўлаш умумий даромадининг 1 фоизидан ортмаслиги керак.** Сабаб — бозор иқтисодиётига ўтилаётган, қимматчилик авж олаётган ҳозирги шароитда 1 фоиздан ортиқ аъзолик бадали тўлаш оддий ишчиларга оғирлик қилади. Кейинги икки-уч йил давомида жуда кўп кишилар аъзолик бадали тўлашдан безиб партиядан оммавий чиқиб кетишди. Одамлар партияга ишонмай, эргашмай қўйдилар. Партия органларида ўзаро аҳиллик, якдиллик сусайгани, адолатсизлик, таъмагирлик, порахўрликнинг авж олгани бунга асосий сабаб бўлди.

— Бўлажак **янги партия ҳалол, пок бўлиши, истиқболни кўра билиши, халқни тўғри йўлга бошлайдиган партия бўлишини истаймиз,** — деди бош директор муовини Баҳодиржон Мирзаев.

Бирлашмада Ўзбекистон Халқ-Демократик партиясининг бошланғич ташкилоти тузилди. Бўлажак партия аъзолигига қабул қилинган кишилар бирлашма техника назорати бўлимининг бошлиғи Обиджон Улмасовни янги тузилган бошланғич партия ташкилотига котиб қилиб сайладилар.

Йиғилиш охирида янги тузиладиган Халқ-Демократик партияси Андижон шаҳар таъсис конференциясига делегатлар сайланди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

РАВШАНЛИК КИРИТИШ КЕРАК

Дастур лойиҳаси билан батафсил танишиб чиқдим. Унда янги партиянинг истиқбол йўли ва мақсади бирмунча яхши ёритилган. Бироқ айрим жумлаларнинг бўшлиги мақсадни аниқроқ баён этишга, тўғрироғи, уни оддий халқ тушуниб олишига соя ташлайди. Шунинг учун бундай жумлаларни яхшилаб пишиқлаштириш лозим, деб ўйлайман. **«Бундан буён Ўзбекистон мустақил республика сифатида ўз тақдирини ўзи белгилайди, тўпланган иқтисодий қудратга эгалик қилади ва халқ фаровонлиги ҳамда манфаатлари йўлида тасарруф этади, мустақил ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади»,** — деган жумла **«Ўзбекистон мустақил республика сифатида бундан буён ўз тақдирини ўзи белгилайди, мавжуд иқтисодий қудратларга эгалик қилади ва уларни халқ фаровонлиги ҳамда манфаатлари йўлида оқилона сарф этишга кўмаклашади, мустақил ички ва ташқи сиёсатни амалга оширади»,** деб тузатилса, мақсад равшанроқ ифодаланган бўлур эди.

Шунингдек, шу бобнинг 5-сўз бошисидаги бош жумла: **«Ўзбекистон Халқ-Демократик партияси демократик йўналишдаги хорижий партиялар ва жамоат ҳаракатлари билан ҳамкорлик қилиш ҳамда тўғридан тўғри алоқалар ўрнатиш учун очиқ»,** дейилган. Менимча, жумла охири **«...ўрнатиш тарафдоридир»,** деб тугалланса маъқулроқ бўларди.

М. АБДУЛЛАЕВ,
ўқитувчи.
Қўшработ райони.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Дастур лойиҳасининг «Тарих сабоқлари ва йўлни танлаш» деган 1-бўлимида Ўзбекистон халқлари ва республика Компартияси босиб ўтган аянчли ва ziддиятли йўл аниқ, лўнда қилиб баён қилинган. Менимча, бутун бир халқни ана шундай аянчли қисматга мубтало этган маъмурий-буйруқбозлик тизими ва раҳнамоларининг масалан И. В. Сталин, Н. С. Хрушчев, Л. И. Брежнев ва бошқа номлар бўрттириб ёзиб қўйилса, илғор фикрловчи кишиларни шафқатсизлик билан қатағон этган, ер-сув заҳираларимиз ва экологиямиз ҳозирги аҳволга туширган, халқни қашшоқликка гирифтор этган шахслар кимлар эканлиги келажак авлодларимиз учун ҳам аён бўлиб турарди.

С. ШОНИЁЗОВ,
Тошкент давлат техника доирилфунунининг Ангрен шаҳридаги куллиёти ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди.

●

Дастур лойиҳасининг «Инсоний, демократик ва равнақ топувчи жамиятни барпо этиш учун» деб номланган бўлимининг 9-сўзбошисини **«Партия ҳокимият органларига сайловларда ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик каби салбий ҳолатларга қаршидир»,** деган жумлалар билан тугаллашни таклиф қиламан. Зеро, якка партиялилик даврида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда авж олган ошна-оғайнигарчилик ва таниш-билишчилик иллати халқ назарида партиянинг обрўсини буткул туширib юборди.

Э. АТОЕВ,
Қизилтепа районидаги Фурқат номли 28-мактаб ўқитувчиси.

●

Инсонпарвар, демократик жамиятнинг барпо этилиши учун, шу жамиятда товар ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларининг, ҳар қандай фаолиятнинг халқ ва шахс талабларини қондиришга тўла бўйсундирилиши учун партия мунтазам тарзда сиёсий ва мафкуравий кураш олиб бориши лозимлиги Дастурда ўз ифодасини топиши керак. деб биламан.

Низомнинг эса кириш қисмига **«Инсонпарварлик, жамиятни энг инсонпарвар жамиятга айлантириш учун кураш — партия фаолиятини, унинг ҳар бир ташкилоти ва аъзоси фаолиятини белгиловчи доимий мезонидир»,** — деган жумлани киритишни таклиф қиламан.

Э. АЛИҚУЛОВ,
СамДУ профессори.

●

Партия Низоми лойиҳасининг 41-моддаси биринчи хат бошиси охиридаги жумла янгича таҳririда, яъни **«Тегишли район, шаҳар партия ташкилотларининг Кенгашлари ана шу маблағларни тасарруф этадилар, уларнинг зарур қисмини бошланғич ташкилотларнинг бевосита эҳтиёжларига, шунингдек, моддий муҳтож бўлган фахрийларига ажратадилар»,** деб ёзилишини таклиф қиламан. Бу чинакам халқчил партиянинг дастлабки инсонпарварлик қадами бўлади.

Т. БОЗОРБОЕВ.
Амударё райони.

Кўпни кўриб фикр қил

Маълумки, Литва Компартияси биринчи бўлиб КПССдан ажралиб мустақил фаолият бошлаган. Унинг негизида ташкил этилган Литва Меҳнат Демократик партияси ҳозир кўппартиялилик шароитида иш кўрмоқда. Яқинда биз Литва республикаси Олий Совети депутати, ЛМДП раисининг ўринбосари Владимир БЕРЕЗОВ билан суҳбатда бўлдик.

МЕЪЁРНИ САҚЛАШ—ОҚИЛОНА СИЁСАТ

— Аввало ўзбек халқини Ўзбекистон мустақил давлати эълон қилингани билан табриклайман, — деди раис ўринбосари.— Нақадар қийин ва машаққатли бўлмасин, бу тарихий бурилиш сизларга бахт ва фаровонлик келтирсин.

— **Самимий табрикларингиз учун раҳмат. Аслида, Марказга чамбарчас қарам қилиб қўйилган республикаларнинг мустақиллик ҳаракатида сизнинг партиянгиз, унинг раҳбарияти ибрат кўрсатган эди. Владимир Антонович, ҳозирги мураккаб шароитдаги янги партия — ЛМДПнинг фаолияти ҳақида гапириб берсангиз.**

— Ўзгаришларнинг ибтидоси ҳақида масалани чуқурлаштиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман. Эсингизда бўлса, олий фирқа мактабидаги йиғилишда партиямиз раҳбари Алгирдас Бразаускас оддийгина тортнинг янги нусхаси рецептини тасдиқлаш учун Москвага бориш шарт қилиб қўйилгани ҳақида гапирган эди. Мана ҳозир Литва Республикаси қўшни Латвия ва Эстония сингари жаҳон давлатлари тизмасига қўшилди. Бунда Иттифоқда мустақиллик ҳаракатининг кашшофи бўлган партиямизнинг алоҳида улуши бор.

Янгидан ташкил қилинган партиямизнинг дастури ва мақоми, ташкилий тузилиши олдингидан кескин фарқ қилади. ЛМДП ижтимоий демократик йўналишдаги парламентча сиёсий ташкилотдир. Унинг дастури мустақил, демократик, бетараф давлат барпо қилишга қаратилган. У меъёрни сақлаган ҳолда ислоҳотлар ўтказиш сиёсатига амал қилади. Шунингдек, тинчлик, эркинлик, тенглик ва бирдамликка эришиш, жамиятнинг ночор қатламлари манфаатлари ва ижтимоий адолат принципларини ҳимоя қилиш мақсадида жаҳондаги барча демократик кучлар билан ҳамкорликни йўлга қўяди.

— **Партиянинг олий идораси, албатта съезд. Мана, қўлимдаги ҳужжатга қараганда, съезд партия раисини, молиявий назорат комиссиясини сайлайди, ЛМДП Кенгашини шакллантиради. Кенгашнинг бир қисмини ҳудудий ташкилотларнинг раислари ташкил қилади. Ҳудудий ташкилотлар қандай тартибда тузилган? Бошланғич ташкилотчи?**

— ЛМДП Кенгашида парламент аъзолари бўлган сафдошларимиз маслаҳат овози билан иштирок этишлари мумкин. Кенгаш ўз аъзолари орасида раис ўринбосарини ва ҳайъатни сайлайди. Съездлар оралиғида партия фаолиятининг тактикасини белгилаш, барча даражадаги ўз-ўзини бошқариш кенгашларида партиянинг парламент фаолиятини таҳлил қилади ва мувофиқлаштиради, парламентдаги партия аъзоларига кўмаклашади.

Ҳозир 44 та район ва 6 та шаҳар ҳудудий ташкилот кенгашлари ишлаб турибди — ҳар бирида 2—3 кишидан сайланган ходимлар (раис ва унинг муовини) бор. Биринчи шахс (раис) ўз вазифасини жамоатчилик асосида, ёки ярим маош билан бажаради.

Бошланғич ташкилот (партия клуби) ҳудудий асосда касб-ҳунар тури, турар-жой ёки бошқа белгиларга кўра тузилади. Бошланғич ташкилот таъсис йиғилиши баённомасига мувофиқ ҳудудий ташкилот Кенгашида рўйхатга олинади. Бошланғич ташкилот ўз ички тузилишини ўзи белгилайди, юридик шахс бўлиш ҳуқуқига эга.

Очиғини айтганда партиямиз анча мураккаб шароитда ишламоқда. 1991 йил январидаги Вильнюсда КПЛ (КПСС) ва ДХК ўтказган хунрезлик, фуқаро объектларига босқинчилик ҳужумлари, ниҳоят август давлат тўнтариши анча одамларнинг кўнглини биздан совутди ва чўчитиб қўйди. Лекин минглаб одамлар сафимизда қолишди, охир-оқибат биз аввал бошда айтган йўл тўғри чиқаётганига ишонишди. Бизнинг партиямиз Шарқ билан муносабатларни кескин узиб бўлмаслиги, мустақилликни бир маромда оқилона ҳаракат билан қўлга киритиш мумкинлигини айтар эди. Чунки аввал вазиятнинг етилишини сиёсий усуллар билан таъминлаш зарур. Иқтисодий муносабатларда собиқ совет республикалари билан боғлиқмиз. Айниқса хом ашё масаласида...

— **Владимир Антонович, Ўзбекистон Республикаси билан Литва Республикаси муносабатлари ҳақида нима дея оласиз?**

1990 йил январи ёдимда. ЛКП ўзининг мустақиллигини эълон қилгандан сўнг унга «пўписа қилиб қўйиш» учун марказ юборган бригада таркибида Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов ҳам Литвага ташриф буюрганди. Ислом Абдуғаниевичга ҳамроҳлик қилиш менга насиб этди. Биз у киши билан кўпгина меҳнат жамоаларига бордик. Алитусдаги тўқимачилик корхонасида бўлган учрашувда Каримов ишчиларнинг қайфиятини тез илғаб, ижтимоий-сиёсий иқлимни тўғри баҳолай олганлиги билан илиқ таассурот қолдирган. Дарвоқе, ўша бригада таркибида аҳволга энг соғлом баҳо берган ягона одам Ислом Абдуғаниевич эди.

Республикамиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар эндиликда икки томонлама тузилган шартнома асосида олиб борилиши зарур. Шу қабилда бозор муносабатларига ўтиш осон бўлади.

— **Сиз Республика Олий Кенгаши депутати сифатида мустақил Ўзбекистон Республикаси ва Литва Республикаси ўртасида давлат муносабатлари масаласига қандай қарайсиз?**

— Ўзбекистон ҳам мустақил давлат мақомини олди. Эндиликда Литва билан Ўзбекистон бир-бирларини алоҳида мустақил давлатлар сифатида тан олишлари муҳим. деб ўйлайман. Томонлар ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилиши яхши самара келтиради. Бу жуда муҳим аҳамиятга эга.

Литва келажаги бетарафлик, тинчликсеварлик, ўзга давлатларга нисбатан дўстлик алоқалари асосида доно ташқи сиёсат билан боғлиқ.

Пировардида В. Березов Ўзбекистон халқи фаровонлиги йўлидаги курашда янги тузилаётган Халқ-Демократик партиясига муваффақиятлар тилади.

А. АБДУБАННОПОВ.

Тошкент — Вильнюс — Тошкент.

БИЗГА ҚАНДАЙ ИШБИЛАРМОНЛИК КЕРАК?

Кейинги вақтда ишбилармонлик ҳақида кўп гапирилмоқда. Шу боис назаримда ишбилармонлик тушунчасининг маъносини ойдинлаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Ушбу мақолада шу хусусдаги ўз мулоҳазаларимни ўртага ташламоқчиман.

Фараз қилайликки, республикамизда ҳамма ишбилармон. Айтайлик, уларнинг барчаси буғдой, картошка, олма, қовун-тарвуз, узум каби маҳсулотларни етиштириш ўрнига, арзонроққа сотиб олиб, қимматроққа сотишни ўйлайди. Бироқ, ўзлари бу маҳсулотларни етиштирмайди. Кетмон, трактор, арра, чойнак сингари буюмлар ясамайди. Буларни ҳам арзонроққа олиб, қимматроққа сотишга ҳаракат қилишади, холос.

Равшанки, бундай ишбилармонлик ярамайди. Чунки, бирор нарсани сотиш учун аввало уни тайёрлаш керак. яъни бевосита ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лозим.

Яна фараз қилайликки, ҳамма ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан банд. Бироқ, ўзи ер ҳайдамайди, мол боқмайди, сигир соғмайди, дастгоҳда ишламайди. Аммо ўзгаларни ўша юмушларни бажаришга ундайди. Бошқалар бошқаларни, улар эса яна бошқаларини, хуллас энг охиргилари биринчиларини ишлашга ундайди. Албатта, фақат ташкилотчилик йўсинидаги бундай ишбилармонлик ҳам рисолага тўғри келмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, назаримда, биздаги иқтисодий танглик ҳақиқий ишбилармонларнинг камлигидангина эмас, балки юқоридаги каби «ишбилармон»ларнинг кўпайиб кетганлиги натижаси ҳамдир.

Хўш, у ҳолда қандай одамларни ишбилармон, дейиш мумкин?

Бир неча йиллар бурун япон мутахассислари биздан кўплаб чўқмол (кувалда) сотиб олиб, улардан енгил автомашиналар ишлаб чиқаришибди, консервалар қутисидан эса магнитофонлар ясашибди, деган гапларни эшитганман. Бундай ишбилармонлик ақлий бойликнинг маҳсулидир. Ишбилармонликни ҳоҳлаган ҳар қандай кимса ҳам бундай ишни уддалай олмайди. Бу каби зарур ва нозарур маҳсулотлардан ўзга бир механизм ясаб, меҳнатни анча енгиллатишнинг имкони бўлган жойларни бизда ҳам кўплаб учратиш мумкин. Мана бу йўсиндаги ишбилармонлик эса аввало, ҳар қадамда ақлни техник ечимга ишлатиш демакдир.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ақлга келган ишни жорий қилишда бир қанча тўсиқлар пайдо бўлади. Бундай ҳолларда эса асосий вазифани бартараф этишнинг осон ва қулай йўлларини топиб иш юритишга киришган инсонгина ишбилармондир. Масалан, у бирор корхонани ижарага олиб бошқараётган бўлса, ғирт дангаса, манфаатпараст, маишатпараст ва ишни эплай олмайдиганларни тезроқ ишдан четлаштиради. Бундай ишбилармонлик эса ўз навбатида қатъият ва интизом асосига қурилади, албатта.

Муштарий нуқтаи назари

Мабодо республикамиздаги бугунги айрим «ишбилармон»ларнинг фаолиятига назар солсак, уларнинг «ишлаб» топаётган ҳаки ҳалолнноҳалоллигига гумонсирайсан киши. Айтайлик, ишбилармонлик борасида бугунги кунда тарқалган тушунчадаги уддабурон йигит кўрдики олмалар пишган, терувчи кам. Россия бозорларида эса уларга харидор кўп. Қолаверса, у ердан ёғоч ва шифер каби қурилиш материаллари олиб қайтиб, бу ерда яхшигина пуллаши мумкин. Шу фикр амалда рўёбга чиқиши учун у бутун «ишбилармон»лигини ишга солади. Олмаларни деҳқонни авраб кўтарасига арзон сотиб олиш ва мардикор ёллаб тердиришдан тортиб, у ёқдан маҳсулот олиб қайтишгача барча мушкулотлар ечимини ўзи эплаштиради. Бу йўлдаги барча қийинчиликлар унга пировард натижада мўмай даромад топишдек ягона мақсад йўлида писанд эмас. Натижада буни кўрган ва ундан ибрат олган бошқа «ишбилармон»лар ҳам бу иш билан худди шу усулда шуғулланишга киришадилар. Муроса қилиб бўлмас жиҳати шундаки, бундай «ишбилармон»лар кўпайиб кетган жамиятда «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилида иш юритишга шароит туғилади. Бу ҳолнинг ривожланиши эса амалда маҳсулотнинг камайиб кетишига олиб келади. Шу тарзда зўравонлик кўпайишига ва халқнинг табақаланиш жараёни кучайишига замин пайдо бўлади. Қолаверса, ҳақиқий ишбилармонлик билан шуғулланаётган кишилар қалбида ҳам норозилик вужудга келади ва бу, албатта, ишлаб чиқаришнинг ривожига салбий таъсир кўрсатади.

Республикамизда бошқа бир тур ишбилармонлар ҳам мавжудки, улар фаолияти мақтовга лойиқ. Аввал бошда таъкидлаб ўтганимиз, япон мутахассислари сингари улар бир маҳсулотдан иккинчи маҳсулот яратишади, хом ашёдан маҳсулот вужудга келтиришади. Масалан, кичик бузоқ сотиб олиб, уни ўстиришади. Ориқ буқани семиртириб сотишади. Ҳунармандлари эса турмуш учун зарур эҳтиёж буюмларини ясаб, халққа наф келтиришади. Бундай ишбилармонлардан жамият фақат наф кўради.

Умуман, назаримда, ишбилармон бу — одил ва эпчил бошқарувчи, уддабурон, раҳбар, халққа керакли маҳсулот етказиб берувчи меҳнатчи жамиятга фойда келтирувчи, ишлаб чиқаришни олға силжитувчи малакали матахассис.

Хуллас, мабодо ишбилармонлик бировнинг ҳақига хиёнат қилиб уни алдаш, ўз шартларига кўндириш ёки турли хил найранг ишлатиш орқали фойда орттириш асосига қурилган экан, унда бу ишбилармонлик эмас. Чунки, айнан шундай ҳол сунъий иқтисодий тангликни вужудга келтиради.

Қачонки, ишбилармоннинг меҳнати ҳалол бўлса эл-юртга ҳам, ўзига ҳам наф келтиради, топгани буюради. Назаримда, биз ана шундай ишбилармонликни қўллаб-қувватлашимиз, ривожлантиришимиз керак.

Ш. АҲМЕДОВ,
механик-муҳандис.

ЯНГИЛИКЛАР

● **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ташкил этилган тил ўрганиш минтақа марказидан инглиз тилини ўрганишни истаган тингловчилар билан машғулотлар бошланди.**

Жўшқин бозор шароитига кириб бораётган республикага ҳорижий тилларни биладиган мутахассислар жуда керак. Ўқитиш учун тўланадиган ҳақ анча юқори бўлишига қарамай, марказда давлат секторида тадбиркорлик билан жиддий шуғулланишга қарор қилган кишилар сони тобора кўпайиб бормоқда.

● **СССР Фанлар академиясининг илмий кенгаши ва СССР табобат фанлари академияси муаммо комиссияси Қорақалпоғистон клиник ва экспериментал табобат илмий-тадқиқот илмгоҳи,** шунингдек Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги иштирокида Нукусда «Оролбўйи табобат-экология муаммолари ва аҳоли соғлиғи» мавзуида кенгаш уюштирилди. Уч кун давом этган учрашувда Ўрта Осиё республикалари ҳамда Москва олимлари иштирок этишди.

● **«ТАШСТРОЙПРОЕКТ» илмгоҳи мутахассислари уй-жойлар ва маъмурий биноларнинг олд томонини пардозлаш учун самарали полимерцемент материалини таклиф этдилар.**

У ҳозир қурилишда қўлланаётган анъанавий таркиблардан анча кўпга чидайди ва арзонроқдир. Янги бўяйдиган аралашма таркибини тайёрлаш технологияси ҳам содда, уни одатдаги қоришма аралаштириш машинасида ҳосил қилиш мумкин. Қоришма кўп соат мобайнида ўз хусусиятларини сақлайди.

● **АНДИЖОНДА уч юз минг кишилик шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатишга мўлжалланган «Тез ёрдам» станцияси фойдаланишга топширилди.**

Бу ерда 90 нафар шифокор, 170 нафар тиббий ҳамшира ва 160 дан зиёд ҳайдовчининг ишлаши ва дам олиши учун барча шароит яратилган. Станция хорижда ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган диагностика ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган, гараж ҳамда тузатиш устахонаси бор.

(ЎзТАГ).

● **Самарқанд вилоятининг Челак район газлаштириш идораси меҳнат жамоаси республика Президентининг Фармонларини изчиллик билан амалга ошираяпти. Аҳолига намунали хизмат қилиш яхши йўлга қўйилган. Қувурлар орқали хонадонларга табиий газ етказиб берилаётир. Мингга яқин хонадон эса суюлтирилган газ баллонлари билан таъминланмоқда.**

Жамоатчи суратқаш К. ТУРСУНОВ олган бу лавҳада чилангар Пардабой Расулов, идора бошлиғи Ғайрат Маҳмудов ва оператор Тоҳир Турдиев [чапдан ўнгга]ни кўриб турибсиз. Улар навбатдаги режа билан ўртоқлашмоқдалар.

ЭШИТМАДИМ, ДЕМАНГЛАР!

СУВЕНЛИ КАНАЛИ ЮБИЛЕЙИ

Қорақалпоғистонда Сувенли канали барпо этилганлигининг 50 йиллиги нишонланди. Орол этакларида ва Амударёнинг қуйи оқимидаги бу каналнинг узунлиги 132 километр. Уни 1939—40 йилларда Қорақалпоғистондаги барча районлар аҳолиси қўл кучи билан бунёд этишган.

Орол суви тақчиллиги шароитида ушбу сув йўли қайта таъмирланди. Энди унинг суви Тахиатош, Хўжайли, Қорабайли, Ленинобод, Қўнғиротгача етиб бормоқда. Ҳозир канал суви 7 баравар кўпайиб, ундан дақиқа сайин 345—350 куб метр об-ҳаёт оқиб ўтяпти.

Куни кеча бўлиб ўтган юбилей тантанасида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Х. Тожиев табрик нутқи сўзлади, Сўнгра бир гуруҳ ветеран канал қурувчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭНЕРГЕТИКЛАР УЮШМАСИ ТУЗИЛДИ

Яқинда Тошкентда Ўзбекистон энергетикларининг илмий-техник уюшмаси ташкил этилди. Иттифоқ мутасадди ташкилотига бўйсунмайдиган ушбу жамоатчилик бирлашмаси эндиликда мустақил фаолият кўрсатиб, жумҳуриятнинг энергетика тармоғини ва унинг ижодий кучларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур ташкилотга энергия таъминоти ва истеъмолини яхшилашга кўмак беришни ҳоҳлаган жумҳуриятнинг ҳар қандай фуқароси ёки меҳнат жамоалари аъзо бўлиб кириши мумкин. Янги уюшма ўз жамоалари ёки якка тартибдаги аъзоларининг ижодий ғоялари ва режаларини амалга оширишга ёрдам беришга қолмасдан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш масъулиятини ҳам ўз зиммасига олади.

Ю. ШАФЕРОВ.

ПАХТАКОР ХЎЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Мадина» БРОКЕРЛИК ФИРМАСИ:

★ МЕТАЛЛ, ТЕХНИКА ВА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ;
★ ЁНИЛҒИ-МОЙЛАШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ЁҒОЧ;
★ ҚАНД;
★ ГАЗЛАМАЛАР;
★ КЕНГ НАВЛАР ҚЎЛАМИДАГИ ХАЛК ИСТЕЪМОЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ ВА БОШҚА БИРЖА МОЛЛАРИНИ

48 СОАТ

Бартер шартларида СОТИБ ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАРИНГИЗНИ ҳал этади

СИЗГА ЗАРУР МОЛЛАРГА ОИД БИТИМ МОБАЙНИДА ҚЎЛИНГИЗГА ТЕГАДИ.

БУЮРТМАЛАР ҚУЙИДАГИ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ:

ФАКС: (3712) 67-17-40
(3712) 67-06-13

БИЗНИНГ ВАКИЛИМИЗ ТАЛАБНОМА ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИНГАНДАН КЕЙИН 24 СОАТ ИЧИДА ҲУЗУРИНГИЗДА БЎЛАДИ.

ҚОЯГА ЧИҚҚАН ЧЎҚҚИНИ КЎЗЛАР

● ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ПАХТАКОРЛАРИ ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 404 МИНГ ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРДИЛАР.

● АНА ШУ ҲОСИЛНИНГ 150 МИНГ ТОННАСИ «ЗАНГОРИ КЕМАЛАР»ДА ТЕРИБ ОЛИНДИ.

● ҲАР ГЕКТАР МАЙДОНДАН ОЛИНГАН ҲОСИЛ 29 ЦЕНТНЕРНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Фарғонанинг 404 минг тонналик улкан хирмони ёздаги табиий офатга қарши мардона курашларини ёдимга туширди. Зеро, фарғоналик пахтакорни ҳам, боғбону чорвадорни ҳам бирлаштириб турадиган азалий туйғу — ерга, касбга муҳаббат, ишга фидойиликдир. Табиат инжиқликлари, ер шароитлари, сув масаласи қандай ҳал этилишидан қатъи назар, улар ҳар бир туп ниҳолни авайлаб парваришладилар, унга меҳр қўрини тўкдилар.

ФАРҒОНАНИНГ ФАРЗИ ВА ЛАФЗИ

Бу йилги ҳосил осонликча етиштирилмади. Ғўза парвариши авж олиб кетган айни саратон кунлари тоғли ва тоғолди районларида катта селлар бўлиб ўтди. Вилоятнинг шимолий районлари кучли довулдан зарар кўрди. Биргина Бувайда районининг ўзида 3751 гектар ердаги гуркираб турган ғўза ниҳоллари нобуд бўлди. Киров, Охунбобоев, Олтиариқ ва бошқа бир қатор районларда ҳам хўжаликлар жиддий талофат кўришди. Аммо Табиий офатлар деҳқон иродасини бука олмади. Фарғона далаларида ҳосил чўғи катта бўлди.

Етиштирилган ҳосилни тез, қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олиш юзасидан кўрилган катта тайёргарлик ўз самарасини берди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши бунинг учун зарур бўлган барча чоратадбирларни амалга оширди. Теримчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тадбирлари белгиланди. Деҳқонларнинг ўзлари бу йил ҳар қачонгидан ҳам қучли ғайрат-шижоат, фидокорлик билан ишладилар.

Жумҳурият Президенти И. А. Каримовнинг пахта толаси харид нархини 50 фоизга ошириш ҳақидаги Фармони, теримчиларга ҳақ тўлаш миқдорининг кўпайтирилиши пахтакорларнинг моддий манфаатдорлигини оширди. Бу эса ўз навбатида терим суръатига тезкорлик бахш этди.

Мўл ҳосил тўплашда ишни ташкил этишнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш муҳим омил бўлди. Вилоят жамоа ва давлат хўжаликларининг аксариятида ижарачи звенолар миқдори кўпайди. Бу йилги мавсумда вилоят пахта майдонларининг 97 фоизига ижарачи звенолар чигит экишди. Киров районидаги Юнусали Муродов, Раҳмонали Қурбонов, Фурқат районидаги Ваҳобжон Мамажонов, Жўрабой Охунов, Ленинград районидаги Мирзасултон Тўйчиев, Обидали Эркабоев сингари уста пахтакорлар раҳнамолик қилаётган ижарачи звеноларда ҳозирнинг ўзида ҳосилдорлик 40—42 центнерни ташкил этяпти. Ижара усули пахтачиликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб қолди.

Пахта теримини механизациялаштиришга кенг йўл очиш суръатини бўшаштирмаслик имконини берди. Йиғим-терим авжига чиққан кунлари вилоят далаларида икки мингтагача пахта териш машиналари ишлади. Бу ҳам ўз ижобий самараларини берди. Масалан, Фрунзе районидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги водийда биринчи бўлиб, 20 иш кунида йиллик пахта тайёрлаш режасини бажарди. Агар шу хўжаликда ялпи пахта ҳосилининг 80 фоизи машиналар билан териб олинганлигини мушоҳада қилсак, теримни механизациялаштириш н и н г афзал томонлари яққол кўринади. Вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ энг кўп пахта терган механик-ҳайдовчиларни енгил машиналар билан мукофотлаш кўзда тутилган эди. Бу улар орасида мусобақани авж олдиришга ёрдам берди. Фрунзе районидан Валижон Ёқубов, Муҳаммаджон Худойбердиев, Фурқат районидан Убайдулло Тўйчиев, Раҳимжон Ҳатамов, риштонлик Алижон Асроев, Мўминжон Иброҳимов, Ўзбекистон районидан Собиржон Юсупов сингари механизаторлар ҳозирнинг ўзида 150—200 тоннадан пахта тердилар. Мавсумда 200—250 тоннадан пахта теришга аҳд қилган дала гвардиячилари сафи кенгайиб боряпти.

Савдо, тиббий, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ташкилотларининг жамоалари пахтакорларга мададкор бўлдилар. Ҳосил тақдири хавф остида қолган дақиқаларда минглаб ҳашарчилар дам олиш кунлари пахтакорларга ёрдамга шошилдилар. Зеро, мустақил республикамиздаги ҳозирги иқтисодий ҳаёт вилоятда яшаётган турли миллат, турли касб эгаларини бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундамоқда. Пахта асосий бойлигимиз эканлиги ҳеч кимнинг ёдидан чиққани йўқ.

Пахтакорларимиз бугун ғалаба нашидасини тотмоқдалар. Республикада иккинчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режаси бажарилди. Давлатга сотилган 404 минг тонна юқори навли пахтанинг 150 минг тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Ҳар гектар ердан 29 центердан ҳосил етиштирилди.

Мустақилликка эришган республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлаш асосий бойлигимиз бўлган пахта сифатини яхшилаш, унинг халқаро савдодаги мавқеини кучайтиришга боғлиқлиги равшан. Вилоят пахтакорлари, пахтани қайта ишлаш саноати ходимлари буни яхши тушунадилар. Чет эл савдо фирмалари билан алоқалар ўрнатишда биз пахта толасига катта умид боғлаяпмиз. Республикамиз Президенти Фармони шарофати билан бу йил биринчи марта етиштирилган пахта ҳосилининг бир қисми ҳўжаликлар тасарруфида қолдирилянти. Хўжаликлар иқтисодиётини мустаҳкамлашда бу тадбирнинг аҳамияти жуда катта бўлиши, шубҳасиз. Ишбилармон хўжалик раҳбарлари ҳозирнинг ўзидаёқ қўлларида қоладиган пахта билан жаҳон бозорига чиқиш чораларини кўрмоқдалар. Уларнинг бу ҳаракатлари ҳар қанча қўллаб-қувватлашга лойиқ. Зеро, бу мустақиллигимизнинг илк меваларидан биридир.

Ғ. ФОЗИЛОВ,
Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати.

● Бувайда районидаги «Ленинобод» жамоа хўжалиги пахтакорлари режадаги 32 ўрнига 35 центнердан ҳосил олишга интилишаётир. Хўжалик фахрийлар кенгаши раиси Саидазим Маматов ҳам тез-тез пахтакорлар ҳузурида бўлади. У ўзининг қимматли маслаҳатлари билан ёшларга мададкор бўлмоқда.

Суратда: тажрибали пахтакор Саидазим Маматов ёшлар даврасида.

ПАХТАКОР ЭРКИ ЎЗ ҚЎЛИДА

Тез орада далалар яна ҳувиллаб қолади. Бу йилги машаққатли мавсум ҳам ниҳоясига етяпти. Мақтаниш эмасу, лекин жамоамиз аъзолари чакки меҳнат қилишмади. Эрта баҳорда 966 гектар ерга яхши ният билан барака уруғи қадаган эдик. Куз келиб ғалвир сувдан кўтарилганда маълум бўдики, ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олибмиз. М. Нишонов, М. Матазимов каби тажрибали пахтакорлар бош бўлган бригадаларда эса ҳосилдорлик 42—43 центнерни ташкил этди. Давлатга 3500 тоннага яқин юқори сифатли пахта сотдик.

Ўзим асли иқтисодчи бўлганим учунми куз якунида даромад-буромаднинг ҳисобкитобини чиқаришга тушаман. Харид нархларининг ошганлиги шарофати боис 9,5 миллион сўм даромад қилишни кўзлаб турибмиз. Бу режадагига нисбатан 4,5 миллион сўм кўпдир. Лекин харажатлар ҳам бу йил кўп бўлди. Масалан, биргина терим мавсумини ўтказишнинг ўзигаям бир ярим миллион сўм сарфладик. Техника, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғит нархи ҳам ошиб кетди. Лекин яхши меҳнат албатта, яхши самара беради. Харажат кўп бўлишига қарамай 2,5 миллион сўм атрофида соф фойда олиш кутиляпти. Деҳқонларимизнинг ўртача иш ҳақлари ойига 300 сўмдан кам бўлмайди. Хўш, дўппини бошдан олиб қўйиб жамоа хўжалиги келажаги хусусида ўйлаб кўрсак, эришилган кўрсаткичлар биз учун чегарами? Йўқ, албатта Бунинг сабаблари кўп. Жамоа хўжалиги ҳудудида 19 минг нафар одам яшайди. Еримиз оз. Агар хўжалик аъзоларига тақсимланса, жон бошига аранг 40—50 сотихдан ер тегади. Аҳоли эса кўпайиб бормоқда. Унинг уст-бошини бут қилиш, озиқ-овқат билан таъминлаш, ҳар бирига иш топиб бериш мушкул масала. Муаммодан чиқишнинг бир йўли бор. У ҳам бўлса, оз ердан иложи борича кўп ҳосил олиш. Пахтанинг сифатини яхшилаш, хўжаликни кўп тармоқли, сердаромад агросаноат корхонасига айлантириш йўлларини излашдир. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида юқоридаги мақсадга эришиш учун нафақат фидокорона меҳнат, балки билимдонлик, тадбиркорлик талаб қилинади.

Президентимиз И. А. Каримов Фармони туфайли етиштирилган пахтанинг бир қисми ўзимизда қоладиган бўлди. Бу хўжалик раҳбарларидан катта масъулият талаб этади. Хомчўтларимизга қараганда жамоамиз бўйича 500 тоннадан ортиқ пахта ўз тасарруфимизда қолади. Бу пахтадан 170 тонна тола, 200 тоннадан ортиқ шелуха, кунжара, ёғ ва бошқа маҳсулотлар чиқади. Агар расамади билан йўлни билиб сарфлай олсак, бу — катта бойлик. Масалан, анчадан буён чорвамиз учун бир килограмм ҳам шелуха олганимиз йўқ эди. Пахта тозалаш заводи ҳеч бўлмаса режадан ташқари топширилган пахтадан чиққан кунжара — шелухани ўзимизга бериши даркор. Бу борадаги қароримиз қатъий. Жамоа хўжалиги, бошқаруви аъзолари ўзаро маслаҳатлашиб, Учкўприк пахта тайёрлаш пунктини сотиб олиш режасини туздик. Кейинроқ шу пунктда кичик пахта тозалаш заводи қуриб, ўзимиз етиштирган пахтани ўзимиз қайта ишлайдиган бўламиз. Аҳолини иш билан таъминлаш учун бошқа кичик корхоналар қурамиз. Хўжалик кўп тармоқли, ўзига хос агросаноат фирмасига айланади. Биргина мисол: ҳозирнинг ўзида хўжалигимизда етиштирилаётган пахтадан чиқадиган кунжара, шелуха билан йирик чорвачилик комплексини таъминлаш мумкин. Бу эса ўз навбатида сут—қатиқ маҳсулотлари заводи қуриш имконини беради.

Албатта, бу орзулар фақат кейинги йиллардаги ўзгаришлар, республикамиз мустақиллиги туфайлигина ҳақиқатга айланяпти.

Муҳаммадқул НИШОНОВ,
Ленинград районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси.

ҲАММАСИ БИР-БИРИГА БОҒЛИҚДА

Машинам бамисоли оппоқ кўпириб турган денгиздай кўринган пахтазорга шўнғийди. Шпинделлар чаноқларни ямлаб, бункерга пахта ирғитади... Машина пахтани симириб олга сузаверади, ортда жигарранг йўл қолади... Чавондоз ўз тулпорини улоққа тайёрлагандек ҳар куни мен ҳам машинамни теримга шайлайман. Мавсум якунигача у панд бермаслигига кафилман.

Агрегатим бункеридан ҳозиргача 200 тоннадан ошириб пахта тўкдим. Албатта, уловинг соз, кайфиятинг баланд, далада эса ҳосил мўл бўлса, пахта териб чарчайдими одам?

Биз механизаторлар-ку ўзимизга тегишли ишларни бажариб қўйдик. Аммо... Энди бункерни тўлдириб прицепга ағдараман десанг, прицеп тайёрлов пунктига пахта ташиб кетган бўлади. Натижада пайкал четига тўхтаб, прицеп кутасан. Суриштирсам, хўжалигимизда 130 та прицеп бор экан. Терим авжида. Прицепларнинг ярми далада, бир қисми йўлда, бир қисми пахта тайёрлаш пунктида бўлар экан. Пайкалларда эса 47 та машина пайдар-пай ишлаб турибди... Кута-кута сабринг чидамай, бункерни дала бошига бўшатасан, тоза пахта ифлосланади. Ҳисобкитоб қилсак, агар прицеплар етарли бўланда хўжалигимиз кунига йиллик режанинг 15 фоизига етказиб пахта топшириши мумкин экан. Демак, 10—12 кун ичида режани бажариш имкони бор! Ўйлаб қоламан: нега Қозоғистон ёки Россияда ғалла ўрими пайтида, юзлаб минглаб прицеп, юк машиналари ғаллакорларга ёрдамга юборилади-ю, бизда бу мумкин эмас? Кўп эмас, 20 кун шаҳар ташкилотлари пахтани ташиш учун бизга техникадан ёрдам берганларида эди...

Қабул пунктларининг, аввало, ночорлиги ҳам биз, механизаторлар шаштини қайтаряпти. Нега дейсизми? Ахир, районимиз кунлик пахта тайёрлаш суръатини олти-саккиз фоизга етказган бир пайтда, қабул пунктлари бир кунда уч фоиздан ортиқ пахтани олиб улгурмайди. Чунки, ҳамма пунктлар эски, асосан 50-йилларда қурилган. Қувватлари деярли ошмаган. Оқибатда пункт олдида прицепларнинг узундан-узун карвони пайдо бўлади. Далада эса механизатор ишининг баракаси учади. Ҳа, ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ. Агар шундай бир қарашда майда кўринган, аммо, аслида мавсум суръати ошишига тўғаноқ бўладиган нуқсонлар бўлмаганда эди... Унда далага машинадан бошқа нарсани киритмасдик. Хўжалигимиз эса режани бу йилгидек 27 сентябрда эмас, ундан ҳам эртароқ уддалаб қўярди!

М. ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Фрунзе районидаги «Сирдарё» давлат хўжалиги механик-ҳайдовчиси.

● Ленинград районидаги Ленин номли жамоа хўжалигида чевар теримчилар сони кўпайиб бормоқда. Узаро мусобақада 5-бригада чевари Жаннатой Султонова пешқадам. У кунига 180—200 килограммдан «оқ олтин» термоқда.

Суратда: чевар теримчи Жаннатой Султонова.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ДОН МЎЛ БЎЛАДИ

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли жамоа хўжалигида дон етиштириш йил сайин кўпаймоқда. О. Нурматов, Ғ. Файзиев бошлиқ ғаллачилик бригадалари бу йил лалми ва суғориладиган майдонлардан минг тонна дон ўриб-йиғиб олдилар. Шунингдек 580 тоннаси жумҳурият Президенти фармонига биноан аҳолига тарқатилди.

— Ғалла майдонларимизни икки-уч баравар кенгайтирдик, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қ. Ҳақбердиев, — Ҳаёт шуни тақозо этаётир. Ўтган йили 80 гектар суғориладиган майдонда дон етиштирилган бўлса, энди 300 гектар суғориладиган ва шунча гектар лалми майдонда ғалла етиштирилади. Дон мўл бўлса, халқимиз дастурхони тўкин бўлади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● Роҳила Суннатова, Шофиркон гиламчилик корхонасида ишлайди. У ҳар ойда 10 квадрат метр ўрнига 14 квадрат метр гилам тўқиб, ҳамкасбларига намуна бўлаётир.

К. КАРИМОВ олган сурат.

• *Мулоқот*

ВАЪДАЛАР ҚОП-ҚОП

Кунига муҳарририятга жуда кўплаб хат-хабарлар келади. Ўнлаб кишилар қабулхоналарда бўладилар. Мактубларни ўқиб, ташриф буюрувчиларнинг сўзларини тинглагач, шунга амин бўлиш мумкинки, ҳануз жойларда меҳнаткашларнинг талабларига кўнгилдагидек эътибор берилмаяпти. Шу туфайли одамлар юқори идоралар, рўзнома ва ойномаларга қатнаб, сарсон-саргардон бўлишяпти.

Таҳририятимиз кўпинча у ёки бу муаммони ҳал этиш учун шикоятларни тегишли мутасадди ташкилотга юборади. Уларнинг бир қисмига масала ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоблар оляпмиз. Аммо айримлар одамларни алдаш ва рўзномани чалғитишнинг осонгина йўлини топишган. Яъни жавоб хатида кўтарилган масала келгусида ҳал этилади, деб қоп-қоп ваъда бериб юборишади-да, сўнгра унитишади.

Белгиланган пайтгача афанди: «эшакни саводхон қилиш муддати тугагунча ё мен ўламан, ё эшак, ёки подшоҳ ўлади», дегандек таваккал қилиб қоғозга имзо чекиб юборилаверади.

Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ўтган йил январь ойида Чиноз районидаги «Чиноз» давлат наслчилик совхози ҳудудида истиқомат қилувчи меҳнат ва уруш фахрийси Бойсен Сабурхонов хонадонларда илгари бўлган радиоточкалар узиб ташланганлиги, аҳоли телефон йўқлиги учун қийналётганини маълум қилган эди. Муҳарририят масалани текшириб, ҳал бўлишига ёрдам бериш учун хатни район партия комитети ва Тошкент область ишлаб- чиқариш техника алоқа бошқармасига юборди.

Район партия комитетидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

«Чиноз район «Чиноз» наслчилик совхози 4-фермасида 1975 йилга қадар радио тармоғи мавжуд эди. Кейинчалик электр тармоқларини реконструкция қилиш натижасида ҳамда барча аҳоли телевизор ва радиоприёмниклар олганликлари сабабли, ўзларининг талабларига асосан радиотармоқ олиб ташланган эди. Перспектив планда совхознинг 4-фермасига район маркази орқали радио тармоғи ўтказиш мўлжалланган.

Совхознинг 4-фермаси идорасида телефон бор. Одамлар ўз ишлари бўйича у ер, бу ерга телефон қилиши учун, маслаҳатлашилган ҳолда Б. Сабурхонов хонадонига телефон ўрнатилган. Область алоқа бошқармаси планига асосан «Чиноз» наслчилик совхози 4-фермаси ва «Олмазор» совхози марказини 1991 йилда телефонлаштириш мўлжалланган.

Чиноз район партия қўмитаси котиби
Ю. ХАЙДУРОВ.

Тошкент область ишлаб-чиқариш техника алоқа бошқармаси бошлиғи А. Н. Кудинов томонидан йўлланган жавоб хати мазмуни ҳам юқоридагисига ўхшаш.

Яқинда Б. Сабурхоновдан яна хат олдик. Унинг ёзишича ўтган йилнинг бошида берилган ваъда мана қарийб икки йил бўляптики, ваъдалигича турибди. Масалани ҳал қилиш борасида бирор иш қилинмаган. Наҳотки юқорида номлари келтирилган раҳбар ўртоқлар ўз сўзларининг масъулиятини сезишмаса!

К. РИХСИЕВ.

• *Адабий танқид*

ЭПКИНЛАР ЯНГИЛИГИ

● Бугун Алишер Навоий номидаги Катта театрда Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг X қурултойи ўз ишини бошлайди.

Дорилфунун таҳсили машғулотларида устозлардан бири сабоқ берган эдики: «Мутахассис бўладиган одам китобнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам ўқиши керак. Ёмонининг ёмонлиги, яхшисининг яхшилиги нимадан иборатлигини билиш учун ҳам ўқиши керак». Асли, китобнинг ёмони бўлмаслиги керак-ку, аммо мавжуд воқелик шундай таснифни келтириб чиқарган. Ушбу сабоққа мутахассис кенг танқид ва адабиётшунослик миқёсида эмас, ҳатто тор ихтисоси соҳасида ҳам изчил амал қилиши қийин. Чунки вақт тазйиқи, дид талаби танлаб-танлаб ўқишга мажбур этади. Бўш, зерикарли, янгилик ва наф бермайдиган китобларни ўқиш эса ўта машаққатли машғулот. Лекин танқид ва адабиётшунослик маҳсулотини махсус ўрганиш учун яхшию ёмон китобларнинг барини мутолаа қилиш шарт экан. Мутолаа жараёнида юқоридаги сабоқнинг яна бир ҳикмати англашилади: Яхши китоблар мутолааси қандай ёзишни, бўш китоблар мутолааси эса қандай ёзмаслик кераклигини ўргатади.

Жумҳуриятимиз танқид ва адабиётшунослиги соҳасида каттаю кичик талай китоблар босилиб чиқмоқда. Адабиётшунослигимиз ютуқларини белгилайдиган китоблар ҳам бор. Бироқ шуни тан олишга тўғри келадики, янгича нуқтаи назар, янгича талқин, қайта қуриш руҳи билан йўғрилган — сувдан кўтарилган ғалвирда қоладиган — китоблар камдан-кам.

Дилни хушнуд этадиган ишлардан бири Иброҳим Ҳаққуловнинг «Занжирбанд шер қошида» китобидир. «Юлдузча» нашриёти бу китоб билан «Навоий сабоқлари» туркумини бошлади. Китоб Навоий бадиий оламини, асарларининг ғоявий-бадиий моҳиятини китобхонга замонавий, ўқишли тарзда етказиши билан қимматли. Олим Навоий асарларининг ўзига хос фалсафий талқинини яратдики, бу китобхон кўзига янги мароқли бир олам очади. «Занжирбанд шер қошида» — Навоийни янгича кашф этиш йўлидаги бир тажриба. Тажриба зиддиятларсиз, кам-кўстсиз кечмайди, албатта.

И. Ҳаққулов замонавий адабий танқид баробарида ўтмиш адабиёти тадқиқи билан шуғулланаётган ижодкор. Ўтмиш адабиётидан озиқланиш унинг замонавий адабиётга доир танқидий мақолаларининг марғи тўқлигини, фалсафий-назарий бақувватлигини таъминлаётир. Замонавий адабиёт, адабий танқид билан машғуллиги олимнинг ўтмиш адабиёти ҳақидаги ишларига навқирон руҳ бағишлаётир. Бирок ўтмиш ва замон ютуқларини омухталаштириш фақат ижобий натижа бераётгани йўқ. Иброҳим Ҳаққулов асарларида баъзан классик адабиёт ҳақида адабий танқид услубида қалам тебратиш белгилари сезилиб туради. Бунинг оқибатлари хулосаларни етарли далилламаслик, асосланмасликда, илмий-мантиқий мушоҳада қонунларига ҳамма вақт ҳам амал қилмасликда, саёз ва югурик таҳлилларига изн беришда яққол кўринади.

Матнга етарли эътибор бермаслик, илмий-адабий талқинда асл матн моҳиятидан четланиш ҳоллари учрайди. Услубда китоб мактаб ёшидаги ўсмирларга мўлжалланганн назарда тутилса, ёмон бўлмасди. Масалан, шундай жумлага эътибор беринг: «...инсон боласи туғилган кунданоқ кун-бакун ўла бошлайди» (204-бет). Бу фалсафий фикрни мактабнинг ўрта ёшдаги ўқувчиларигина эмас, катта ёшдаги кўпчилик кишилар ҳам дафъатан ҳазм қилишлари қийин. Чунки инсон умри туғилиш ва ўлишдангина иборат эмас. Туғилиш ва ўлим орасида ўсиш, улғайиш, камол топиш босқичлари, яшаш учун кураш мазмуни ҳам бор.

Қадрласа арзигулик истеъдод нишоналаридан бири Р. Қўчқоровнинг «Истеъдод қадри» (F. Ғулом нашриёти) китобидир. Китобнинг «Уч сароб» қисмида А. Қаҳҳор «Сароб» романининг яратилиш давридаги мураккаб мафкуравий жараён ёритилади. «Сароб» ва унинг муаллифига давр адабий танқидчилигининг муносабати далиллар асосида очиб ташланади. Романнинг уч нусхаси адабиётшуносликда биринчи марта чуқур қиёсий таҳлил этилади. Адабий танқид ва жамоатчиликнинг ўткинчи замон сиёсати билан қуроллаииб олиши ва яратилган бадиий асарнинг шу сиёсат чиғириғидан ўтиши нақадар салбий оқибатларга олиб келиши асосли равишда кўрсатилган. Муаллиф тарихий ҳужжатлар ҳамда бирламчи манбалар асосида иш тутадики, бу мақолаларнинг ҳаққонийлигини, таъсир кучини таъминлаган. Адабиётшунослигимиз тажрибасида яратилган кўпгина тадқиқотларда ижодий жараён ўрганилар экан, у, албатта, асарнинг кутилган бадиий такомили билан якунланар эди. Мустақил ва чинакам тадқиқот йўлидан борган Р. Қўчқоров китобида эса ижодий жараёнда такомилга тескари ҳодиса юз бериши ҳам мумкинлиги яққол акс этган. Яъни ижтимоий-адабий муҳитнинг ижодкорга тазйиқи таъсири, ёзувчининг эрки, мустақиллигини бўғиши бадииятга акс таъсир кўрсатади.

Китобнинг «Тарих ҳақиқати» деб номланган қўш мақоладан иборат қисмида мунаққид ўз кузатишларини давом эттириб, адабий танқиднинг тарих ҳақиқатини ёритишда А. Қаҳҳор ва умуман адабий жараёнга кўрсатиб келган салбий фаолияти таҳлил этилади. Бунда кўпроқ «Қўшчинор» асарининг қисмати шарҳланади. Мақолада ўзбек адабий танқидчилигидаги бутун бошли нотўғри йўналишнинг фаолияти, илдизлари, оқибатлари фош этилади.

(Давоми тўртинчи бетда).

УЙ ЖИҲОЗЛАРИ

● Урганч районидаги К. Маркс номли жамоа хўжалигида уй-жой жиҳозларини тайёрловчи цехнинг очилганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин цех ишлаб чиқараётган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж тобора ошиб боряпти.

Тадбиркорлар дастлабки маҳсулотларини — стол, стул, шкафни жамоа хўжалиги аҳолиси ҳукмига ҳавола этишди. Натижа кутилганидан зиёд бўлди. Шундан кейин уларга буюртма устига буюртма туша бошлади. У. Султонмуродов етакчилигидаги усталар жиҳозларни сифатли тайёрлаб беришяпти. Яқиндан бошлаб цехда диван ва курси тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Тадбиркорларни хом ашё билан хўжаликнинг ўзи таъмин этаяпти. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот бу йил ярим миллионни ташкил этади.

А. ҚОРЖОВОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон ва жаҳон

„ИСТИҚЛОЛ МУБОРАК...“

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги нафақат жумҳуриятимизда, балки хорижий элларда ҳам ҳайрихоҳлик билан кутиб олинди. Хорижий мамлакатларнинг фуқаролари Тошкентдан чет элларга эшиттиришлар Республика радиоси номига йўллаган ўз мактубларида бу воқеани маъқуллаб, қутламоқдалар.

Ҳозирги кунда Тошкент радиоси хорижий элларга ўзбек, уйғур, инглиз, ҳинд, урду, форс, дари, пушту тилларида эшиттиришлар бериб бормоқда. Бир кеча-кундузда эшиттиришларнинг ҳажми 12 соату 40 минутни ташкил этаётир. Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тингловчилари эшиттиришларимиз мухлислари ҳисобланишади. Тошкент радиосидан берилаётган эшиттиришларимизга Ғарбий Европа ва Америкада истиқомат қилаётган ватандошларимиз ҳам катта қизиқиш билдирмоқдалар. Чет элларга эшиттиришлар Республика радиоси программаларининг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикасида сиёсий ислоҳотларнинг боришн, демократик ўзгаришлар ва жумҳуриятимизнинг хорижий мамлакатлар ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссасини кенг ёритишдан иборатдир.

Тошкент радиосининг тингловчилари Ўзбекистон халқи ва республика ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ҳаётида содир бўлаётган воқеаларга катта қизиқиш билдиряптилар. Муҳаририятларга келаётган кўплаб мактублар бунга яққол далилдир. Ўтган 1990 йилда Тошкент радиосига жаҳоннинг 65 мамлакатидан 9 минг 521 мактуб келди. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида эса 53 мамлакатдан 6 минг дона мактуб олинди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент радиосини тинглайдиган минтақаларда юздан ортиқ радиостанция дўстлари клублари мавжуддир. Тингловчилардан келаётган бу мактублар эшиттиришларнинг сифатли ва ранг-баранг бўлишида катта ёрдам бермоқда. Хатларнинг аксарияти Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганлиги муносабати билан Ўзбекистон халқи ва раҳбарияти номига йўллаган табрикномалардир. Бундай номаларни бизга Германиядан Бернард Клинк, АҚШнинг Санта Лаквидар шаҳридан Дональд Майкл, Чолев, Польшадан Анна Ангорек йўллаганлар. Америка Қўшма Штатларидан Грегор Мартин ўз мактубида шуларни таъкидлайди: **«Мен ўзбек халқи ҳаётида шу кунларни жумҳурият мустақиллиги муносабати билан қандай қувончли вазият содир бўлаётганлигини тасаввур қилаяпман. Мен сизлар учун ниҳоятда хурсандман ва ўйлайманки, сизларни порлоқ келажак кутаётир!».**

Афғонистонлик ватандошимиз Ашраф Азимий ўз мактубида шуларни қайд этади: **«Ўзбекистон мустақилликка эришганини эшитиб, жуда қувондим. Ўзбек халқининг асрий орзуси амалга ошди. Мустақиллигинг мустаҳкам ва абадий бўлсин. Улкан тараққиётларни амалга ошириб, жумҳуриятингиз янада қудратли бўлишига тилакдошман».**

Шинжон Уйғур мухтор районида истиқомат қилувчи тингловчимиз Абдул Муҳаммад Иброҳим йўлаган мактуб мазмуни шундай: **«Ўзбекистондаги ўзгаришлар муносабати билан мен икки достон битдим. Бири ўзбек халқини катта ўзгаришларга даъват этаётган Ўзбекистон Республикаси Ислом Каримовга, иккинчиси эса гуллаб яшнаётган Ўзбекистонга бағишланган бўлиб, «ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОН» деб аталган».**

Шундай қилиб, Тошкент радиосининг хорижий тингловчилари республикада содир бўлаётган жараёнлардан воқиф бўлиб, унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ошаётганидан қувонмоқдалар. Бу айниқса, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ўзаро алоқаларга ҳам тааллуқлидир. Зеро, Покистон халқи ҳам ўз қувончларини биз билан баҳам кўрмоқда. Жумладан, бизнинг покистонлик тингловчимиз Моуд Али Низомоний ўз мактубида қуйидагиларни таъкидлайди:

«Тошкент радиоси эшиттиришларидан жумҳурият парламенти мустақиллик Баёнотини қабул қилганлигидан бохабар бўлдим. Биз бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик, ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги унинг халқи ҳаётида катта тарихий ва сиёсий воқеага эга эканлигини алоҳида таъкидлаймиз. Ўйлаймизки, Ўзбекистон демократия йўлида бундан буён гуллаб-яшнаб кенг тараққий этади. Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги алоқалар ривожланиб, кенгайиб бораверади, деган ниятдамиз».

Шундай мазмундаги хатлар Ўзбекистон Республикасининг марказий идоралари сингари Тошкент радиосининг чет эллардаги эшиттиришлар муҳарриятларига ҳам тинимсиз келиб турибди. Хориждаги дўстларимиз, айниқса, ватандошларимиздан келган мактубни очишимиз билан таниш ва ёқимли жумлага кўзимиз тушади:

— Истиқлол муборак!

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшиттириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари.

ХУШХАБАРЛАР

● Ишчиларнинг кайфиятлари чоғ. Улар тайёрлаётган ширин-шарбатлар, консервалар харидорларга маъқул тушмоқда.

Чиндан ҳам Нишон районидаги консерва заводининг маҳсулоти харидоргир. Бир сменада 12 минг шартли идишда маҳсулот тайёрланаяпти.

Суратда: меҳнат илғорлари Д. Бердиева, З. Равшанова ва Н. Эркаева тайёр маҳсулотларни намойиш этишмоқда.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ЭПКИНЛАР ЯНГИЛИГИ

(Давоми. Боши учинчи бетда).

«Ўзбек ҳарбий прозасида характер яратишнинг баъзи масалалари» китоби («Фан» нашриёти) умидли олим Умурзоқ Улжабоев қаламига мансуб.

Мутолаадан аввал «ҳарбий проза» атамаси кишини ўйлантиради. Бу — рус адабиётшунослигидан олинган, ўзбек адабиётига сунъий равишда татбиқ этилган истилоҳ кўринади. Чунки, назаримизда, ҳарбийлик ўзбек миллати ҳаётига хос бўлмагани учун, ҳарбий наср адабиётимизнинг мустақил тури сифатида шаклланмаган. Ўзбек адабиётидан бадиий насрга, илмий насрга мисол келтириш мумкин. Лекин чинакам ҳарбий наср намунасини топиш қийин. «Темур тузуклари»ни ҳарбий наср деб белгиласа бўлар, балки. Чунки унда ҳарбий ҳаёт ва ҳарб илми тасвирланган, ҳарбий кишининг дунёқараши, қиёфаси, фаолияти акс этган, муҳорабадаги усул, услуб, қонун-қоидалар мужассамлашган. Ҳарбий проза деб ўрганаётган асларимизда ана шундай хусусиятлар бўлиши керак камида. Асар шу каби хусусиятлардан холи экан, уни ҳарбий наср намунаси сифатида баҳолашга асос бормикин?

«Характер ва давр ҳақиқати» қисмида А. Қаҳҳорнинг «Ботирали» ҳикояси ҳақида ўн саҳифа гап гапирилади. Ҳикоянинг бутун тафсилотлари шарҳланади. Лекин ҳарбий насрнинг бирор белгиси йилт этиб кўринмайди. Чунки, аслида, ёзувчининг мақсади ҳарбий ҳаётни тасвирлаш, ҳарбий қиёфа яратиш, ҳарбга оид дунёқарашни акс эттириш бўлмаган. «Ботирали» билан бирга муаллиф уруш йилларида яратилган «Асрор бобо», «Хотинлар», «Кампирлар сим қоқди» каби ҳикояларни ҳам «ўзбек ҳарбий прозасининг ўзига хос адабий чўққилари» (20 бет) янглиғ баҳолайди. Бизнингча, фронт ортидаги ҳаёт тасвири орқали уруш фожиаларини кўрсатиш — «ҳарбий наср» бўлавермайди. Шу мезондан келиб чиқадиган бўлсак, уруш йилларида яратилган минглаб шеърларни, саҳна асарларини «ҳарбий назм», «ҳарбий драматургия» сифатида ўрганишга тўғри келади. Муаллифнинг ўзи ҳам хулосада бу ҳикояларда «уруш ва оддий халқ вакиллари тақдири деган яхлит бир масаланинг турли нуқталардан туриб бадиий тадқиқ этилиши» (39-бет)ни таъкидлайди. Аммо ҳикоялардаги тасвир, образ, қиёфаларда ҳарбий насрнинг бирор хосиятини кўрсата олмайди.

Муҳаммаджон Имомназаровнинг «Тўққиз осмон юлдузлари» китоби (Ғ. Ғулом нашриёти) ўзбек адабиётшунослигида жуда кам ўрганилган Хусрав Деҳлавий ижодига бағишланган. Тадқиқот мавзуининг муҳимлиги шундаки, Хусрав Деҳлавий ижодини чуқур ўрганмай туриб, Алишер Навоий ва бошқа ўтмиш адибларимиз бадиий оламини ҳаққоний ёритиш ҳамда баҳолаш қийин. Аммо шу пайтгача Навоий асарлари бадияти фақатгина Хусрав Деҳлавий эмас, балки Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий ижодиёти билан изчил муқояса қилинмаган ҳолда кашф этиб келинмоқда. Асли, Навоийнинг бадиий маҳорати ва новаторлигини, айниқса, «Хамса» заминида, Ганжавий, Хусрав, Жомий билан қиёсий-тарихий услубдаги тадқиқот жараёнида ёритиш имконияти муҳайё. М. Имомназаров рисоласи муқаддимасидан шу мақсад англашилади. Бироқ асосий қисмда, ўз иқрорича, муаллиф «дастлабки тажриба учун энг осон йўл билан, яъни, шоир асарлари мундарижасини бирмунча қисқартириб талқин — баён этиш орқали маълум даражада унинг бадиий оламига кириб боришга», қаламга олинган ижтимоий «масалаларга озмикўпми тегиб ўтишга журъат» (124-бет) этади.

Албатта, юқоридаги илмий мақсадни амалга оширишдан кўра, мутахассис учун осон ишни осон йўл билан бажариш осон. Бунинг устига, Хусрав Деҳлавийнинг бадиий тили ва тасвирлаш услуби Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийга нисбатан анча содда. Шунинг учун асарлар мазмуни хушбаёнлик билан ҳикоя қилинади. Китоб равон ўқилади. Ҳар ҳолда Амир Хусрав Деҳлавийнинг тўққиз достони ҳақида, умумий бўлса-да, тасаввур уйғотади ҳар бир китобхонда. Лекин адабиётга яқин китобхонларни бу тарздаги баёнчилик қаноатлантирмас. Ахир, китобнинг мароқли ёзилганини, тегишли маърифий аҳамияти борлигини, бу ишни ҳар ким ҳам уддалай олмаслигини эътироф этган ҳолда, шуни тан олишдан ўзга илож йўқки, у на илмий-тадқиқот, на достонларнинг насрий баёни ва на адабий шарҳи бўлмай қолган. Ўзга тилда яратилган тўққиз достон шарҳини бир рисолага сиғдириб бўладими, ҳеч маҳал? Аксинча, бу достонларнинг ҳар бири тўққиз рисола ёзса, арзигуликдир.

Айрим мақолалар ҳақида батафсил гапирилса, бazилари тўғрисида бир жумла билан чекланилади. Масалан, «Матла ул-анвор» достонининг олтинчи мақолоти ҳақида: «Сўфийлар ва сўфийлик тариқатининг баёнидан иборат», деган жумланигина ўқиймиз, холос. (152-бет) Назаримизда, ҳозирги ўзбек китобхонини айни шу мақолот шарҳи, яъни сўфийлар ва сўфийлик тариқатининг Хусрав Деҳлавий талқинидаги моҳияти, адиб сўфийлик тариқатининг қайси шўъбасига дахлдорлиги кўпроқ қизиқтиради.

Ҳар қандай насрий баён ёки шарҳ асл бадиий матндан узилиб қолмаслиги керак. Чунки ҳар қандай яхши баён ва шарҳ асл матн бадиятини ифодалашга ожиз. Аслият ва шарҳ ёнма-ён берилсагина, мақсадга мувофиқ равишда ўқувчи бадиий асарни тўла идрок этишига имконият пайдо бўлади.

Қиёсий таҳлил йўлидан борилмагани китобхонда турли савол ва шубҳалар туғдиради. Масалан, бир ҳикоят талқини таркибидаги мана бу воқеа мухлис эътиборини тортади: «Қатлга ҳукм қилинган икки маҳбус йигит жаллодга «мени олдин қатл этинг, шеригимнинг ўлганини кўрмай», деб талашаётган эди. Вилоят амири ҳайратланиб: «Сизлар бир-бирларингга ким бўласизлар», деб сўрайди. «Биз — дўстмиз» жавоб беради маҳкумлар». (158-бет) Китобхонга аёнки, шундай воқеа Навоий «Ҳайрат ул-аброр»идаги ҳикоятда ҳам мавжуд. Китобхонда нотўғри тасаввур шаклланмаслиги ва у чалкашиб кетмаслиги учун мазкур ҳаётий бадиий ашёнинг Хусрав асарида тутган ўрни ҳамда Навоий достонида қўлланиш хусусияти муқояса орқали кўрсатилиши жоиз эди.

Хуллас, танқид ва адабиётшунослигимиз қайта қуриш эпкинлари билан янгиланмоқда. Аммо у турғунлик даври асоратларидан ҳали қутулганича йўқ. Мавжуд аҳвол танқид ва адабиётшунослик асарларига нисбатан талабчанликни кучайтириш, танқид илмининг сифат ва савиясини кўтариш, яратилаётган китобларни таҳлил нашр этишни тақозо этади. Шунингдек, танқид ва адабиётшуносликдаги кўзбўямачилик, ўртамиёначилик фаолиятини чеклаш, тўла фош этиш; чинакам тадқиқот руҳидаги китоблар олдидан идоравий тўсиқларни олиб ташлаш бадиият илмининг кенг қанот ёзиши, халқ оммаси мулкига айланишига шароит яратади.

Нуратулло ЖУМАЕВ,
филология фанлари номзоди.

СПОРТ

МУРОД ҲОСИЛ БЎЛДИ

● КЕЧА Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» ўйингоҳи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Бу ерга жаҳоннинг турли мамлакатларидан ногирон футбол жамоалари тўпланишди. Улар ер юзининг турли жойларида бўлиб ўтган катта-кичик урушларда ногирон бўлиб қолган йигитлар. Футболга жалб этиш, кўнгил овлаш, ҳаётга қайтариш осон бўлмади. Зотан бугунги кунда махсус қўлтиқ таёқларда, мослаштирилган оёқларда тўп тепаётган йигитлар чеҳрасидаги мамнуният ва қувонч қилинган сайи-ҳаракатлар бекор кетмаганидан далолатдир.

— Гапни ростини айтганда, — дейди ногирон футболчилар халқаро уюшмасининг раиси Билл Барри, — бошлаган хайрли ишимиз бунчалик эътибор топади, деб ўйламаган эдим. Ҳозир турли мамлакатларда ногирон йигитлардан таркиб топган футбол жамоалари тузилмоқда. Мен эса бир нарсадан мамнунман, У ҳам бўлса АҚШнинг Тошкент билан биродарлашган Сиэтл шаҳарида илк бор йўлга қўйилган футбол жамоаси бугунги кунда серқуёш республикангизда жаҳон кубоги учун баҳс юритмоқдалар. Бу муроднинг ҳосил бўлишидир.

Жаҳон кубоги учун мусобақанинг тантанали очилиши ўзига хос спорт байрамига айланди. Яшил майдонда Англия, Сальвадор, Бразилия, Барнауль, АҚШ, СССР ва «Матонат» командалари саф тортишди. Чилдирмалар тараклаб, карнайлар наъра тортиб турган бир алфозда атлас кўйлаклик қизлар футболчиларга шарқона анъанага мувофиқ дўппи кийгиздилар. Майдонда дўппи кийган ўзбек йигитлари саф тортиб турганлигидан манзара касб этди. Футболчиларни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари К. Расулов табриклаб, қийин ва завқли ўйинда футболчиларга муваффақият тилади.

Ўйингоҳни тўлдириб ўтирган ёшларнинг нигоҳи самога қадалди. Тўрт нафар парашютчи ўйингоҳдаги маълум нуқтани мўлжаллаб тушиб келардилар. Уларнинг маҳорати олқишланди. Кейин чарҳпалакли тайёра яшил майдонга қўниб, парашютчилар билан ҳавога кўтарилди.

Тантаналардан кейин ўртоқлик учрашувида баҳслашиш учун биродарлашган шаҳарлар терма жамоаси билан «Матонат» ўйинчилари майдонга тушдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

✦

Суратда: жаҳон кубоги учун мусобақадан лавҳа.

Суратқаш Муҳаммад АМИН.

ЗИЁРАТ ВА САХОВАТ

● **Ўзбекистоннинг Москвадаги доимий ваколатхонаси биносида Алишер Навоийнинг 550 йиллик юбилейига бағишланган адабий-музикали кеча бўлди.**

Кечага Москвада таълим олаётган андижонлик талабалар ва аспирантлар таклиф этилди. Андижон вилояти ижроия қўмитаси раиси Б. Болтабоев талабаларни буюк сўз устаси Навоийнинг таваллуд топган куни билан қутлаб, вилоятда шу мусобат билан қилинган ишлар хусусида, долзарб муаммолар мавзусида гапирди. Ҳар бир талабага вилоят иҳроқўми ва оталиқ ташкилотлари томонидан ажратилган 200 сўмдан моддий ёрдамни топширди.

Андижон давлат муаллимлар олийгоҳининг катта ўқитувчиси, филология фанлари номзоди М. Ёқуббекова Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маъруза қилди. Йўлдош Охунбобоев номидаги вилоят театрининг рақосаси З. Қодированинг хиром этишлари, Андижон район маданият уйи қошидаги «Нафосат» ҳаваскорлик дастаси ижро этган куй-қўшиқлар, Х. Абдураҳмонов, А. Эсонов, М. Хатамова каби хонандаларнинг чиқишлари кўпчиликни хушнуд этди.

А. ҚУРОНБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» ҳафтанинг пайшанба кунлари чоп этилмоқда ва уни минглаб кишилар қўлма-қўл қилиб ўқимоқдалар. Фарзандлари камолини, рўзғорининг тинчлигию, қут-баракасини тилаган ўн минглаб кишилар «ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»га аллақачон обуна бўлиб қўйдилар. Чунки

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ»

меъдангизга тега бошлаган сиёсий баҳслару муаммобозликлар билан бошингизни қотирмайди.

Аксинча, Сиз турмуш ташвишларидан толиққан кезларингизда «Оила ва жамият»ни ўқиб, мазза қиласиз. Дам оласиз. «Оила ва жамият» фарзандлар тарбиясидан тортиб то эр-хотин ўртасидаги нозик масалаларгача бағишланган ажойиб ҳафталик. «Оила ва жамият»ни ўқиб ҳеч ким зерикмайди. Ў Ўзбекистондаги ЭНГ АРЗОН, энг қизиқарли, каттаю кичик севиб ўқийдиган бахтли кишиларнинг газетаси. «Оила ва жамият»га обуна бўлсангиз, йил бўйи ўзингиздан миннатдор бўлиб, хотиржам юрасиз.

«Оила ва жамият»нинг йиллик обуна баҳоси 10 сўм 56 тийин.

Обуна индекси — 64654.

«ОИЛА ВА ЖАМИЯТ» БИЛАН БИРГА РЎЗҒОРИНГИЗГА БАХТ, ҚУТ-БАРАКА КИРИБ БОРСИН!

БИР НИГОҲ ТАШЛАГАНДА НИГОҲИЙ ТАБИБ

Абдуғаффор АБДУЛЛАЕВ

КЎП БЕМОРЛАРНИНГ ХАТ ВА ИСТАКЛАРИГА БИНОАН

1991 ЙИЛНИНГ 21 ОКТЯБРЬ КУНИДАН БОШЛАБ ОБСЕРВАТОРИЯ КЎЧАСИ, 83-УЙДА «ИХТИСОСЛАШГАН ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ» БИНОСИДА БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Бунда бош оғриғи, оёқ ва қўл, нафас сиқиш, тунда сийдик ушлай билмаслик, уйқусизлик, қичима, юрак ўйнаш ва юрак санчиш касалликлари билан ҳасталанган беморларга биринчи сеансда таъсир этади. Беморлар соат 8.00 дан 12.00 гача қабул қилинадилар.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тимирязев кўчаси, «Гидрометцентр» бекати. («Гидрометеоцентр»нинг орқа тарафида Обсерватория кўчаси, 83-уй, «Баку» ошхонаси ёнидан кирилади). Трамвай ва автобусларга «Олой бозори» бекатидан чиқишингиз мумкин.

19, 89-автобуслар: 3, 22, 23, 29-трамвайлар.

Телефон: 35-75-54.

ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР — ЖАМҒАРМА БАНКЛАРИГА!

1991 йил 9 октябрда Гулистон шаҳрида ўтказилган 98-ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ўзбекистон Республикасининг барча жамғарма банкларидаги ютуқли омонатлар бўйича қуйидаги счёт номерларига ютуқлар чиқди.

счёт номерлари	ютуқ миқдори (жамғарманинг Ўртача суммасига нисбатан фоиз ҳисобида).
А—25	25
А—72	25
А—101	100
А—125	25
А—160	25
А—226	25
А—255	25
А—300	25
А—327	25
А—374	200
А—412	25
А—464	25
А—490	25
А—555	100
А—587	50
А—603	25
А—670	25
А—706	50
А—757	25
А—763	25
А—808	25
А—855	25
А—899	25
А—952	25
А—990	25

Счетлар сони мингдан ортиқ бўлган жамғарма банкларида барча 1000 рақамли сонлардаги ўша счет номерлари ҳам ютди. Масалан: А—25, А—1025, А—2025, А—3025 ва ҳоказо. А—72, А—1072, А—2072, А—3072 ва ҳоказо.

ТИРАЖ КОМИССИЯСИНИНГ РАИСИ — Гулистон шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Т. А. ҚОСИМОВА.

Комиссиянинг масъул котиби — Ўзбекистон Жамғарма банки тижорат бўлими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. М. МИНИБОЕВА.

Тошкент давлат Маданият олийгоҳи жамоаси ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, профессор С. М. Мирвалиевга укаси, жумҳурият халқ маорифи аълочиси

Қобилжон МИРВАЛИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшмаси университет ректори, Ўзбекистон фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон халқ депутати С. Ғуломова онаси

Мунаввархон ҒАНИХОН қизининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмгоҳи жамоаси Ўзбекистон Фанлар академияси Президиуми аъзоси, Ўзбекистон Фанлар академияси тарих илмгоҳи директори, академик А. Асқаровга акаси

Султонали АСҚАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ ноиблари Қибрай ноҳия Кенгаши, унинг ижроия қўмитаси халқ ноиблари Қибрай ноҳия Кенгаши ижроия қўмитасининг раиси Х. И. Нурматовга онаси

Рихси НУРМАТОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Мулоқот» жаридаси таҳририяти меҳнат жамоаси жаридаларнинг сиёсатшунослик бўлими мудири Х. Иброҳимовга онаси

Мейлиҳол ТУРСУНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БУЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАРИНИНГ ЖАМОАСИ

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6121.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди—21.00.

№ 203.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.